

«Умра» масжиди



15:31 / 29 октябрь 1141



Умр давомида энг камида бир марта умра ибодатини адо этиш суннати муаккада ҳисобланади. Умра ибодатини йилнинг хоҳлаган вақтида адо этиш мумкин. Яъни, умра қилиш учун айнан бирор вақт тайин қилинмаган.

Ҳижрий тўққизинчи ҳажжатул вадоеъ йилида уммул мўминин Оиша розияллоҳу анҳо онамиз Танъимда умрани ният қилиб эҳромга кирганлар. «Танъим» шу жойдаги ноим ва наъийм номли икки тоғга нисбатан айтилган. Бу жойнинг бошқа бир номи «Умра» масжиди ёки «Масжиди уммул мўминин – Оиша розияллоҳу анҳо» масжиди деб ҳам аталади.

Ушбу масжид Масжидул-Ҳарамни шимол томонида бўлиб, Маккадан Мадина томонга 7,5 км узоқликда жойлашган. Мана шунинг ўрни ҳарамнинг чегарасидаги ўринга яқинроқдир.

Ушбу масжиднинг орқа томонида ёмғир сувлари билан тўлиб турадиган ҳовуз ҳам бўлган.

Масжиднинг кўриниб турган ушбу иморати тахминан ҳижрий ўн биринчи асрга бориб тақалади.

Бугунги кунда ушбу масжид гўзал бир кўринишда бино қилинган.